# БАРҚАРОРЛИК -УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

***Кеча Тошкентда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Парламент Ассамблеясининг кенгайтирилган бюроси йиғилиши ўз ишини бошлади. Бугун эса «Марказий Осиё ҳамда Кавказда минтақавий хавфсизлик ва сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар масалалар» мавзуидаги семинар очилади.***

Янги аср бўсағасида инсоният жуда кўплаб муаммоларга юзма-юз бўлмоқда. Айниқса, бутун ер юзида барқарорликни сақлаш масаласи ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигининг илк кунлариданоқ ҳам мамлакат, ҳам Марказий Осиё минтақасида сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун фаол ҳаракат қилаётир. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг бу борадаги ташаббус ва амалий ҳаракатлари бутун жаҳонга яхши маълумдир.

Бугун ўз ишини бошлаган ушбу семинар ҳам минтақамиз хавфсизлиги ва барқарорлиги учун муҳим ўрин тутади. ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси Марказий Осиё ва Кавказдаги ёш мустақил давлатлар ўтиш даврида дуч келаётган кўпгина муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашишни ўз олдига мақсад қилиб қўймоқда. Ушбу минтақа давлатлари иқтисодий қийинчиликлардан ташқари, барқарорлик, хавфсизлик масалаларида талай муаммоларга дуч келишаётгани ҳам кўпчиликка маълум. Бундан ташқари Тожикистонда фуқаролар уруши туфайли қочоқлар муаммоси келиб чиққанлиги вазиятни анчагина таранглаштирмоқда.



ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси кенгайтирилган бюроси йиғилишида минтақада вужудга келган иқтисодий аҳволни яхшилашда хорижий инвестициялар ҳам катта ёрдам бераётганлиги таъкидланди. Энг муҳими эса ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси ёш мустақил давлатларга демократик институтларни ташкил қилиш ва ривожлантиришда катта ёрдам бермоқда. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш, экологик муаммоларнинг олдини олиш, Орол денгизи ҳавзасидаги мураккаб вазиятни яхшилаш каби бир қатор масалалар ҳам семинар иштирокчилари диққат марказида бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва ҳукумати ҳам мазкур нуфузли ташкилот билан қалин ҳамкорлик ўрнатган. Шундай йирик халқаро анжуманни ватанимиз пойтахтида ўтказилаётганлиги ҳам бежиз эмас.

Парламент Ассамблеяси кенгайтирилган бюроси йиғилишида Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов анжуман иштирокчиларини қутлаб, Марказий Осиё қадим замонлардан «Буюк ипак йўлида», Шарқ ва Ғарб алоқалари туташган чорраҳада жойлашганлиги, ҳозирда эса Марказий Осиё ва Кавказ минтақаси барқарорлигини бутун дунёдаги барқарорликдан айри тасаввур қилиб бўлмайди, деди.

ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси раиси Хавьер Руперез журналистлар билан ўтказилган мулоқот чоғида Ўзбекистон демократик тамойилларни ривожлантириш бўйича олган мажбуриятларини оғишмай бажараётганлигини алоҳида таъкидлаб, умумий барқарорлик - иқтисодий, сиёсий, ижтимоий барқарорликдан иборат, Ўзбекистон демократик институтларни ташкил қилишда худди ана шу уч нарсага таянаётганлиги бизни қувонтиради, деди.

**Жалолиддин САФОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**СУРАТДА: анжуман қатнашчиларидан бир гуруҳи.**

## • *СЎЗ — АНЖУМАН ИШТИРОКЧИЛАРИГА*

**Хавьер РУПЕРЕЗ, ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси раиси:**



- Менга боя ҳам журналистлар ушбу семинар учун нега Тошкент шаҳрини танладинглар, деган саволни беришди.

Бу саволга жавоб беришдан олдин энг аввало шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ЕХҲТ учун янги ташкил топган мамлакатлар, улар билан ҳамкорлик қилиш ҳамиша асосий масалалардан бири бўлиб келган. Табиийки муайян мамлакат мустақилликка эришиши билан албатта, муаммо ва қийинчиликларга рўбарў келиши мумкин. Зеро, Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари ҳам бундан холи эмаслар. Улар олдида ҳозир ҳуқуқий демократик жамият қуриш, бозор иқтисодиётига ўтиш каби долзарб масалалар турибди. Биз айнан ана шу масалаларнинг ечимини топишга кўмаклашиш, яқиндан ёрдам бериш учун Тошкентга келдик. Чунки биз Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан Ўзбекистон тараққиёти ва келажагига бефарқ қарай олмаймиз.

Менга журналистлар яна демократия ҳақида кўп савол бердилар. Мамлакатингизнинг бу жараёнга ўз муносабати бор. Қолаверса, демократия бу йигирма тўрт соат ичида ҳал бўладиган ёки ечиладиган масала эмас. Унинг яна бир муҳим шарти - барқарорликдир. Барқарорлик эса мамлакат тараққиётини таъминлашга кўмаклашадиган асосий омиллардан саналади.

Агар семинар кун тартибини кузатган бўлсангиз, мазкур масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Зеро, бугалги семинарнинг асосий моҳияти ҳам ана шундан иборат.

**Эркин ВОҲИДОВ, Ўзбекистон Олий Мажлиси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси:**



- Ушбу семинарнинг айнан Ўзбекистонда, Тошкент шаҳрида ўтказилаётганлигида чуқур мантиқ ва маъно бор. Чунки Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг барқарор мамлакатдир. Буни хорижликлар ҳам эътироф этишмоқда. Зеро хавфсизлик масаласи ҳар бир мамлакат ва минтақа учун қандай аҳамиятга эга эканлигини англамасдан туриб, бу семинар ва ундан кўзда тутилган асосий мақсадни теран ҳис қилиш мушкул.

Хавфсизлик энг аввало муайян минтақа ва мамлакатларнинг ҳар томонлама ривожланиши ҳамда тараққиётини кафолатлайдиган, унга имконият яратадиган асосий омиллардан биридир. Президентимиз «XXI аср бўсағасида» деб номланган асарининг биринчи қисмини «Хавфсизликка таҳдид» деб атаганликлари ҳам бежиз эмас.

Мен шу ўринда ушбу семинарнинг жуда катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Унинг муҳимлигини фақат бизнинг минтақадагилар эмас, бутун дунё аҳли англаб етади. Чунки бу ерда муҳокама қилинадиган масалалар бизгагина тегишли бўлиб қолмай, балки бутун жаҳон афкор оммасига тааллуқлидир.

**Т. КАРИМОВ**
**суратга олган.**

● *НИГОҲ*

# БМТ: ИСЛОҲОТЛАР ДАВРИГА ҚАДАМ

***Куни кеча Нью-Йоркда ўз ишини бошлаган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 52-сессиясини бутун жаҳонда ислоҳотлар сари дадил қадам, деб баҳолашмоқда. Ушбу ташкилотнинг 1995 йилда бўлиб ўтган 50-юбилей сессияси арафасида ва мазкур анжуман пайтида БМТни ислоҳ қилиш бўйича билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг амалий ижросини таъминлаш даври етилганлигини ҳамжамият аъзолари ва раҳбарлари теран англамоқдалар.***

Ислоҳотлар ташаббускори ва даъватчилари сафида Ўзбекистон Республикасининг ҳам алоҳида ўрни бор. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг эллик йиллиги муносабати билан Бош Ассамблеянинг махсус тантанали йиғилишида сўзлаган нутқи бутун мазмун-моҳияти билан ислоҳотлар, янгиланишлар ва амалий ҳаракатлар руҳи билан суғорилган эди. Йўлбошчимиз нутқида жумладан шундай дейилган эди: «**Биринчидан**, Хавфсизлик Кенгаши сафини кенгайтириш, унга мисол учун бугунги кунда жаҳон сиёсатида муҳим ўрин эгаллаган Германия ва Япония сингари давлатларни доимий аъзо сифатида киритиш лозим;

**иккинчидан**, БМТ қабул қилган қарорларни тезкорлик билан амалга ошириш учун БМТ Бош котиби ваколатларини кучайтириш лозим;

**учинчидан**, зиддиятли вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш манфаатларини кўзлаб, БМТнинг халқаро минтақавий ташкилотлар билан ўзаро муносабатини кучайтириш зарурлиги ҳам, бу ташкилотнинг ўзига қарашли минтақавий тузилмаларини янада ривожлантириш зарурлиги ҳам тобора аён бўлиб қолмоқда».

Ўзбекистон Президентининг бундан икки йил муқаддам БМТ юксак минбаридан туриб илгари сурган юқоридаги таклифлари ўз ишини бошлаган 52-сессия кун тартибига қўйилган масалаларга ғоятда ҳамоҳангдир.

БМТ Бош котиби Кофи Аннан сессия бошланишидан аввал матбуот конференцияси ўтказиб, бўлғуси ислоҳотларнинг умумий йўналишлари бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирди. Бош котиб, айниқса, БМТ маъмуриятидаги ташкилий ишларга алоҳида эътибор қаратажагини билдириб, 1000 нафар ходимни қисқартириши ва Бош Ассамблея ва Котибият ўртасидаги муаммоларни бартараф қилиш лозимлигига эътиборни қаратди. Ҳақиқатан ҳам ушбу халқаро ташкилот маъмуриятининг ҳаддан зиёд кенгайиб кетганлиги амалда қабул қилинаётган қарорларнинг бажарилиши устидан назорат камайишига олиб келган бўлса, иккинчи томондан ортиқча сарф-харажатларнинг ўсишига сабаб бўлди.

Кун тартибига қўйилаётган асосий масалалардан бири БМТ Хавфсизлик Кенгаши таркиби билан боғлиқдир. АҚШнинг БМТдаги вакили Билл Ричардсон ушбу масала бўйича ўз мамлакати нуқтаи назарини билдириб, Хавфсизлик Кенгаши таркибига Германия, Япония ва Лотин Америкаси, Осиё, Африкадан биттадан мамлакат—жами бешта янги жой ташкил этиш таклифини билдирмоқда. Бу борада АҚШ ва Ўзбекистон қарашлари бир-бирига яқинлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Кутилаётган ислоҳотларнинг бир қисми ялпи хавфсизлик масалаларига ҳам бориб тақалади. Мамлакатимиз раҳбари юқорида эслатиб ўтилган нутқида: «...Дунё хавфсизлиги йўли минтақавий хавфсизликни таъминлаш орқали ўтиш, бошқача айтганда, минтақалар хавфсизлигини таъминлаш йўли билан жаҳон хавфсизлиги таъминланиши» ҳақида гапириб, ушбу ғоянинг амалий ижросини Ўзбекистон ташқи сиёсати мисолида ўтган икки йил вақт мобайнида бутун жаҳонга намойиш қилди. Шу ўринда Президентимиз ташаббуси билан 1995 йил сентябрь ойида ўтказилган Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Тошкент семинар кенгаши, яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган «Марказий Осиё—ядро қуролидан холи зона» мавзуидаги халқаро конференциянинг минтақамиз ва халқаро ҳамжамият учун бебаҳо аҳамиятини яна бир карра эсга олиш лозимдир.

Бош Ассамблеянинг 52-сессияси минбаридан дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатлари раҳбарлари нутқ сўзлаши кутилмоқда. Албатта ушбу давлатлар бошлиқлари ҳам хавфсизлик, ядро қуролини таъқиқлаш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқлари ва демократик тамойилларга амал қилиш ва бошқа кўплаб масалалар бўйича янги ғояларни илгари суришадики, буларнинг барчаси XXI аср бўсағасида турган инсоният тараққиётида муҳим ўрин тутади.

**Ж. САТТОР ўғли.**

# ЯНГИ АРАВАДАГИ ЭСКИЧА АШУЛА

## ёхуд эскича замонларни қўмсаётганларнинг янгича «ўйин»лари

***Миллий ғоя изланишида бўлган Россия жамиятида бир нарса кўзга ташланмай қолмайди. У ҳам бўлса, ушбу мамлакат ва халқ тарихий тараққиётининг замонавий қониқарсиз натижаларини сўнгги 74 йил давомида Россия империясини бошқарган большевиклар фаолияти билан боғлашдир. Яъники, Россиянинг Европадаги энг оқсоқ ўлка бўлиб қолишининг сабаби большевиклар партиясидир.***

Россия тарихида содир бўлган ваҳшийликлар ҳам айнан шу даврда, айниқса, Ленин, Сталин ҳукмронлик йиллари содир бўлгандир ва ҳоказо. Албатта, бу важларни инкор қилиб бўлмайди. Улар—ҳақиқат. Аммо Россия жамиятининг узоқ асрлар давомидаги муваффақиятсизликларининг асл сабаблари анча чуқурроқда ётгани, Ленин, Сталин ва бошқа коммунистик доҳийлар эса ўша тарихий сабабларнинг ўзига хос ижодий ёндашувчилари бўлганликлари икки карра ҳақиқатдир.

Сўз қайси сабаблар устида кетяпти? Бу империяпарастлик ва ўтмиш хатоларидан сабоқ олмаслик. Ҳақиқатан ҳам, айнан империяпарастлик дунёқараши, бошқалар ҳисобига кун кўриш кайфияти Россия жамиятини ўтмас пичоқ билан тилкалаётгандай бўлмаяптими? Узоққа бормай Россия етакчиларидан Ельцин ва Лужковларнинг фикримизни исботловчи, ҳали совиб улгурмаган даъватларини эсга олайлик. Лужков, агар 2000 йили мени президентликка сайласанглар, рус подшоҳлари замонасидаги империя ҳудудини тиклайман деса, Ельцин эса, бу йил ва келаси йил ҳам қарз оламиз, аммо 1999 йилдан бошлаб умуман қарз олишни тўхтатамиз, дея ҳаммани ҳайрон қолдирмоқчи бўлади. Қизиғи шундаки, одамлар ушбу айтилганларга қандайдир бир жиддийлик, оддийлик билан қарайдилар, керак бўлса, мамлакат миқёсида, илмий доираларда қизғин муҳокама ҳам этадилар. Ваҳоланки, ҳар икки гап ҳам ақли расо, маданий жамият кишиси нуқтаи назаридан пуч нарсалардир. Зеро, бири империяпарастлик, иккинчиси ебкетарлик дунёқарашининг маҳсулидир. Ҳай, майли, бу Россия жамиятининг ички иши, биз ҳатто фожиаси, деган бўлардик. Аммо бу қурғур касал фақат ўзини ичидан еса майли эди. Афсуски, у атрофга ҳам тарқайман, бутун дунёга соя соламан, дейди. Ушбу касалликнинг ижтимоийлашиб кетганини шундан ҳам билса бўладики, империяпарастлик тафаккури нафақат сиёсатчилар, балки илм ва маданият, турли ижодий, касбий уюшмалар намояндаларининг онгини заҳарлаб қўйган. Фикримиз исботи учун МДҲ касаба уюшмаларининг ялпи конфедерацияси раҳбари В. Щербаков сўзларига қулоқ солайлик.

«Труд» газетаси мухбири билан савол-жавобда (17 сентябрь) В. Щербаков МДҲ доирасида кечаётган жараёнларга ҳам алоҳида эътибор беради. Гарчи «биз сиёсий ўйинларга ўйнамаймиз» дея бир неча бор таъкидласа-да, аслида ўзи бошлиқ касаба уюшмалари конфедерациясининг асосий вазифаларидан бири МДҲ ҳудудида интеграцияни ривожлантиришга ёрдам бериш эканлигини инкор этмайди. Бу борада кўрсатган хизматларини ҳам таъкидлаб ўтади. Чунончи, Ҳамдўстликнинг давлатлараро иқтисодий қўмитаси ҳамда парламентлараро ассамблеяси билан ҳамкорликда МДҲ доирасида кооперацияни сақлаш ва кенгайтириш йўлида жонбозлик кўрсатаяпмиз, дейди В. Щербаков. Акс ҳолда эса, дея давом этади конфедерация етакчиси, самолётсозлик соҳасида АҚШ бизни тобора сиқиб бормоқда, агар шу кетишда кетса Россия, Ўзбекистон, Украина, Грузияда қанча иш жойини йўқотамиз?

Касални беркитсанг иситмаси ошкор этади, деганларидек, сиёсатга ўйнамаймиз, деб кўкрагига уришига қарамай, В. Щербаков ғирт ўйинчи эканлиги кўриниб турибди. Бўлмасам, Ўзбекистон самолётсозларининг АҚШ ва бошқа давлатлар билан ҳамкорлигига сенинг нима алоқанг бор? Украина, Грузияга нега жонинг ачийди? Уларнинг бари хориж мамлакатлари бўлса. Агар шунчалар куюнчак бўлсанг, мана юз эллик миллионлик ўз халқинг бор. Улардан бир неча ўн миллиони қашшоқ, бир неча миллиони вақтида нафақа ва маошини ололмай оввора, ўшаларга ёрдам бер. Нима қиласан сиёсатга аралашиб, дегинг келади. Аммо, иккинчи томондан, россияликларнинг империяпарастлик ва ебкетарлик касалидан бохабар бўлганингдан бундай ўйинларга таажжубланмай ҳам қўясан. Шунинг учун ҳам касаба уюшмалари конфедерациясининг Ҳамдўстлик парламентлараро ассамблеяси билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, бўлажак «сиёсий Конфедерация» учун намунали қонунлар яратишда фаол иштирок этаётгани табиий ҳолдир. Зеро, Москва ташаббуси ва етакчилигида МДҲ доирасида тузилган ҳар қандай ташкилот (Парламентлараро ассамблея, касаба уюшмаларининг ялпи Конфедерацияси, Россия -- Белорус ҳамкорлиги, Божхона иттифоқи, тўртлик иттифоқи ва ҳоказо) жараёнда ҳам, пировардида ҳам собиқ империяни тиклашга хизмат қилади. Чунки уларни тузишдан мақсад ҳам бошданоқ худди шу тарзда қўйилган.

Мазкур ташкилотлар етакчилари шовқин-сурон билан барчанинг номидан илгариги алоқаларни тиклаш кераклиги, буни МДҲнинг барча давлатлари вакиллари хоҳлаётганини айтиб, дунёга жар солаверадилар. Ўзларидан ва Ҳамдўстлик давлатларидаги баъзи советпарастлардан ташқари ҳеч ким илгариги замон тартибларининг тикланишини хоҳламаслигини билиб турсалар ҳам чакак уришни тўхтатмайдилар. Шу йўл билан ғояни сақлаб турадилар. Йўлини қилиб тарафдор йиғадилар. Собиқ шўро касаба уюшмаси ўрнида ташкил топган касаба уюшмалари ялпи конфедерациясининг 18 сентябрда Москвада бошланган III-қурултойидан мақсад ҳам аслида шу: империяни тиклаш тарафдорларини бир ерга тўплаш. Шу ўринда империяпарастликда ўзига хос из қолдирган Лениннинг касаба уюшмаларига берган таърифи эсга тушади: «Касаба уюшмалари тарбия берувчи, жалб этувчи, таълим берувчи ташкилотдир. Бу мактабдир, бошқарув мактаби, идора мактаби, коммунизм мактабидир». Ҳақиқатан ҳам олдинги СССР касаба уюшмалари коммунистик мафкурага хизмат қилган «мактаб» эди. Бугун биз мазкур мафкура доимо империяпарастлик, улуғ давлатчилик шовинизмига хизмат қилганини биламиз. Касаба уюшмаларининг ялпи конфедерацияси эса эндиликда байроқни қўлга олиб интеграция ниқоби остида яна ўша эски сиёсат—империяпарастлик мусиқасига ўйнаяпти. Демак, моҳият эътибори билан олганда, «мактаб»нинг вазифалари ўзгаришсиз қолмоқда. Гап фақат кимларни қандай жалб қилишда, Москвага содиқ тарзда тарбиялашда қолган, холос. Аминмизки, жамиятимизда бундай қармоққа лаққа илинадиганлар йўқ.

**Азамат ЗИЁ.**

## *ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИДА*

***Мустақилликнинг ўтган олти йили мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча жабҳаларида, шубҳасиз, тараққиётнинг юксалиш йиллари бўлди. Жумладан, беш йил муқаддам ташкил этилган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ҳам қисқа давр ичида Жануби-Шарқий Осиё ҳамда МДҲ давлатлари орасида етакчи авиакомпаниялардан бирига айланди.***

Айни пайтда Тошкент аэропортидан АҚШ, Англия, Германия, Греция, Хитой, Исроил, Малайзия, Туркия, Жанубий Корея каби 20 га яқин мамлакатлардаги йирик шаҳарларга «Ўзбекистон ҳаво йўллари» тимсоли туширилган кемалар мунтазам қатнамоқда.

Маълумки, халқаро йўналишлардаги самолётларнинг қўниши ва учиши учун аввало, аэропортлар юксак талаблар даражасида бўлиши лозим. Шу боис ҳукуматимиз бу муҳим ишга алоҳида эътибор бермоқда. Тошкент, Самарқанд аэропортларидан кейин Урганч тайёрагоҳи ҳам қайта таъмирланиб, замонавий техника воситалари билан жиҳозланди.

# ЯНА БИР ХАЛҚАРО АЭРОПОРТ

Ана шу муносабат билан ўтган жума куни Урганч аэропортида тантанали тақдимот маросими бўлиб ўтди. «ТУ-154» улкан ҳаво лайнерида йўловчилар билан биргаликда авиакомпания бош директори А. Рўзметов бошчилигидаги мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари Урганчга ташриф буюрдилар.

Маросимда сўзга чиққан Хоразм вилояти ҳокими И.Юсупов ушбу воқеани «воҳанинг қадимий ва гўзал пойтахти - Хива шаҳрининг 2500 йиллик тўйи арафасида Хоразм халқига Ўзбекистон ҳукуматининг катта совғаси бўлди», дея таърифлади.

Ҳақиқатан ҳам ҳадемай халқаро мақом олган Урганч аэропорти юбилей танатаналари муносабати билан Хивага ташриф буюрган кўплаб чет эллик меҳмонларни ёруғ юз билан кутиб ола бошлайди. Чунки эндиликда ушбу аэропорт ҳар қандай ҳаво кемасини бемалол қабул қила олиш имкониятига эга бўлди.

**Темур АБДУРАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 23 сентябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:/

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 54,28 | 1 Норвегия кронаси | 10,47 |
| 1 Австрия шиллинги | 6,04 | 1 Польша злотийси | 22,06 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 121,24 | 10 Португалия эскудоси | 4,18 |
| 10 Бельгия франки | 20,59 | 1 Сингапур доллари | 49,35 |
| 1 Голландия гульдени | 37,75 | 1000 Туркия лираси | 0,44 |
| 10 Греция драхмаси | 2,69 | 1 Финляндия маркаси | 14,26 |
| 1 Дания кронаси | 11,16 | 1 Франция франки | 12,65 |
| 1 БАА дирхами | 20,51 | 1 Швеция кронаси | 9,94 |
| 1 АҚШ доллари | 75,34 | 1 Швейцария франки | 51,57 |
| 1 Миср фунти | 22,24 | 1 ЭКЮ | 83,32 |
| 1 Ирландия фунти | 111,79 | 10 Жанубий Корея вони | 0,82 |
| 1 Исландия кронаси | 1,06 | 10 Япония иенаси | 6,15 |
| 10 Испания песети | 5,04 | 1000 Россия рубли | 12,87 |
| 100 Италия лираси | 4,36 | 1 Украина гривнаси | 40,48 |
| 1 Канада доллари | 54,26 | 1000 Беларусь рубли | 2,71 |
| 1 Хитой юани | 9,09 | 1 Эстония кронаси | 5,94 |
| 1 Қувайт динори | 247,48 | 1 Латвия лати | 128,57 |
| 100 Ливан фунти | 4,90 | 1 Литва лити | 18,84 |
| 1 Малайзия ринггити | 24,49 | 1 Қозоғистон тенгеси | 1,00 |
| 1 Германия маркаси | 42,48 | 1 Қирғизистон соми | 4,33 |

/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



***Аҳолини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш борасида мамлакатимизда кўплаб улуғ ишлар амалга оширилаяпти. Ана шулардан бири айни кунларда қурилиши жадал олиб борилаётган Зомин ва Даштобод шаҳарларини тоза ичимлик суви билан таъминловчи сув иншоотини бунёд этиш режасидир.***

***«Зомин -- Даштобод» сув иншооти қурилиши ҳажми ва кўлами жиҳатидан улкан иншоот ҳисобланади. Иншоот қурилишини вилоятдаги 74-хўжаликлараро механизацилашган кўчма колонна қурувчилари олиб боришмоқда.***

***Ушбу йирик лойиҳа амалга оширилгач, Зомин -- Даштобод ҳудудидаги 100 мингга яқин аҳоли тоза ичимлик суви билан тўла таъминланади.***

**СУРАТДА: қурувчилар иш устида.**
**Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

● ТИРИКЛИК ҲИКМАТ ЭКАН



**1980 йилнинг июнида дуппа-дуруст ишлаб турган 41 ёшли файласуф домла тўсатдан йиқилди. Зудлик билан касалхонага элтишди. Домланинг ўнг томон танаси шол бўлган эди. Қон босими жуда баланд, бунинг устига кўзи хиралашиб, тилдан ҳам қолди. Қон босими танани аста-секин ишдан чиқара бошлади. Бироқ фидойи шифокорлар ёрдамида қон босими бироз пасайди. Профессорлар Б. Рустамов, Н. Самибоевлар кўмагида бемор кўзини очди. Бироз ўзига келгандек бўлди. Кейин эса...**

# ШОЛНИ ЕНГГАН ОДАМ

-- 21 кундан кейин уйга олиб келишди. Оила аъзоларим эскича усулларни ҳам кўп қилишди. Тилим айланади-ю, гапиролмайман. Вояга етмаган 8 нафар фарзандимни ўйлайман. Шунда қандайдир куч мени ўзимни-ўзим даволашга ундади. Турмуш ўртоғим Муноввар Бозорбоева (бир умр бош эгаман бу аёл қошида) ёнимда турди.

Аста-секин танамга жон киргандек туюлди. Қимирлай бошладим. Ўз-ўзимга қатъий талаб қўйдим: ҳаракат ва ҳаракат!

**-- Лекин қўл-оёқ ишламай турганда ҳаракат қилиб бўлмайди-ку?**

-- Ибн Сино «барча дориларнинг подшоси-ҳаракат» деб бежиз айтмаган экан. Аввал фикран ҳаракат қилдим. Кейин бармоқларим, қўлларим, белимни қимирлатишга интилдим. Бошида сезмадим, кейинчалик оғриди. Аммо чидадим.

**-- Бу ҳаракатларни ўз ташаббусингиз билан қила олдингизми?**

-- Йўқ, албатта. Хотиним, болаларим, қўни-қўшнилар тинмасдан ёрдам беришди. Ҳовлимизда эшкакли сув насоси бор. Мен уни соатлаб ишлатаман, ҳамсоялар сув олиб кетишади. Кир-чирларни юваман, лаганда хамир қораман. Ҳатто қишда печкага қаланадиган ўтинни ҳам ўзим тайёрладим. Эҳ-ҳе, ҳар битта ҳаракатимдан кўнглим кўтарилганини, қувонганимни кўрсангиз эди. Болаларимнинг шодлигини айтмайсизми?

**-- Бошқа жисмоний ҳаракатлар-чи?**

-- Э-э, нимасини айтасиз. Велосипед минган куним гузаримизда байрам бўлиб кетди. Аста-аста югуришни, яёв юришни ўргандим. Етти йилдан кейин қадрдон ишхонам -- Самарқанд Давлат меъморчилик-қурилиш институтига соғ-омон қадам қўйганимда, дарс беришни бошлаганимда ўзимнинг ўзим эканлигимга ишонмай қолгандим.

**-- Наҳотки ҳеч қандай тиббий ёрдамсиз касалликдан халос бўлган бўлсангиз?**

-- Нега энди? Дўхтирлар тез-тез аҳволимдан хабар олиб туришди, қолаверса, турмуш ўртоғим ҳамшира. Хусусан, профессор Худоёр Аминов маслаҳат бериб турди.

**-- Демак, дори-дармон ҳам ичгансиз...**

-- Тўғри, дори-дармонсиз қуввату мадор бўлмайди. Лекин камина ўзимча йўл тутдим. Бика исмли momoм бор эдилар. У киши гиёҳлардан, жонзотларнинг турли органларидан ҳар хил малҳамлар тайёрлардилар. Бошқа бир қариндошимиз Мадраҳим бобо хонқизи қўнғизининг қуритилган калласига бошқа гиёҳларни қўшиб, бадандаги ортиқча сувларни кетказар эди. Бошимда сариқ сув пайдо бўлганда мени ҳам ўша киши даволаганлар. Демоқчиманки, қонимизда табибликка мойиллик бор. Шу боис, мен Шарқ табобати тажрибалари асосида ўзимга-ўзим малҳам тайёрладим. Ниҳоятда эҳтиёткорлик билан тановвул қилдим. Танамдаги ижобий ўзгаришларни кун сайин, ой сайин сеза бошладим.

**-- Икром ака, тайёрлаган дори-дармонларингиз таркиби, хусусияти ҳақида айта оласизми?**

-- Йўқ, айтолмайман. Биринчидан, бу -- сир. Иккинчидан, мен тайёрлаган малҳамларни бошқа бир организм қабул қилолмаслиги мумкин. Ана шунинг учун мабодо бирор киши мурожаат қилиб қолса, аввалвмбор, унинг аҳволини, руҳиятини ўрганаман. Малҳамларни ўша шароитга қараб тайёрлайман. Даставвал ўзим тановвул қиламан. Умуман, мижозга, руҳиятга, тананинг аҳволига қараб дармон тайёрлаш Шарқ табобатининг асоси ҳисобланади.

**-- Домла, айтишларича, барибир сиз ўзингизда синаб кўрилган даволаш усулларини мурожаат қилган бошқа кишиларга ҳам қўллаган экансиз. Улар қандай натижа берган?**

-- Энди, ука, халқимизда «табиб -- табиб эмас, дард кўрган табиб» деган нақл бор. Мен бу билан шифокорларимиз қадрини туширмоқчи эмасман. Лекин дарддан фориғ бўлган киши унинг сабабларини, малҳамларини чуқурроқ сезар экан. Тузалганимни эшитгач, бир томони шол бўлиб қолган кишилар мурожаат қилишди. Тажрибаларимни айтдим. Уларнинг илтимосига кўра, айрим муолажаларни қўлладим. Мисол учун, бевосита кўмагимда пастдарғомлик Ҳусан Раҳимов уч кун ичида ҳассасиз юрадиган бўлди. Тошкентлик 74 ёшли Раҳматилла бобо ҳам тегишли муолажаларимдан сўнг аста-секин дармонга кирди, оёққа турди.

**-- Сиз учун дунёда энг муҳим нарса нима?**

-- Сабрли-бардошли бўлиш, ўз-ўзига ишониш, умид билан яшаш. Умуман, руҳий тетиклик, хушчақчақлик, ширинсуханлик ҳар қандай одамнинг умрига умр қўшади. Фақат бунинг учун киши ўзини-ўзи бошқара олиши зарур.

**-- Бугун нима билан машғулсиз?**

-- Яшаш билан ука, яшаш билан. Чунки тириклик -- бу, ҳикмат. Ана шу ҳикматнинг мағзини чақа олсаккина, умримизга мазмун энади. Уйда ўтирмайман. Доимо нима биландир машғулман. Айниқса, тўшакда ётган беморларнинг аҳволидан хабар олишга, уларга қўлимдан келганича ёрдам беришга ҳаракат қиламан.

**Фармон ТОШЕВ суҳбатлашди.**



*Воҳа қуёш эрса,*
*Водий тўлин ой,*
*Самарқанд, Бухоро жону жаҳондур*
*Икки ўзбек аро бир пиёла чой —*
*Шунинг ўзи гўзал*
*Ўзбекистондур...*

*Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ сурат-лавҳаси.*

● СПОРТ

# ФРАНЦИЯГА ЙЎЛЛАНМА ОЛАМИЗМИ?..

*ёки уч учрашувга битта шарҳ*











1998 йил Франция майдонларида бўлиб ўтадиган навбатдаги жаҳон чемпионатига қатнашиш учун бериладиган йўлланмалар аста-секин ўз эгаларини топмоқда. Шу кунга қадар Овруподан Голландия, Румниния, Норвегия, Болгария мамлакатлари Франция сафари йўлланмасини нақд қилиб қўйишди.

Шу йилнинг 7 сентябридан бошлаб, Осиёнинг «А» ва «Б» гуруҳида ҳам кучли ўнта мамлакат терма командалари ҳал қилувчи учрашувларга киришди. Бизнинг Ўзбекистонимиз «Б» гуруҳда Япония, Корея, Бирлашган Араб Амирликлари, Қозоғистон терма командалари билан битта йўлланмани қўлга киритиш учун курашади. Гуруҳимиздаги иккинчи ўринни эгаллаган команда Австралия футболчилари билан куч синашиб кўради. Ғолиб албатта жаҳон чемпионатининг финал қисмида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади.

Рустам Мирсодиқов бошчилигидаги терма командамиз ҳозирга қадар икки учрашув ўтказишди. Дастлаб Япония, сўнг Корея футболчилари билан бўлган ўйинларнинг ҳар иккаласида ҳам йигитларимиздан омад юз ўгирди.

Японлар билан бўлган мусобақада командамиз аъзоларидан барча ишқибозлар кўп нарса кутишганди. Бироқ, Игорь Шквирин, Илҳом Шарипов, Абдуқаҳҳор Маъруфалиев, Сергей Лебедев каби етакчи футболчиларимиз аксарият ҳолларда ўзларини кўрсатолмади. Ҳимоячиларимиздан Андрей Федоров, Рустам Шоймардонов, Нўъмон Ҳасановлар Кунчиқар мамлакат ҳужумчиларига Павел Бугало қўриқлаётган дарвоза олдида бемалол ҳаракат қилишга имконият бериб қўйишди. Рақиблар дарвозамизга 31-, 37-, 41-, 43-, дақиқаларда кетма-кет голлар уриб,12 дақиқа ичида 4:0 ҳисоби билан олдинга чиқиб олишди.

Иккинчи бўлим бошланиши билан ҳавотирга тушиб қолган мураббийларимиз майдонга Шарипов ва Шоймардоновни туширишди. Барибир ҳимояда кескин бурилиш ясалмади. Япон «юлдузи» Миура Бугало қўриқлаётган дарвозани яна икки марта аниқ нишонга ола билди. Майдон эгаларининг олти тўпига бизникилардан Шацких иккита, Лебедев битта тўп билан жавоб беришди.

Бу мағлубият сабаб терма командамизнинг ўз олдига қўйган холис ниятига эришмоғи янада қийинлашди. Муваффақиятсизликнинг асосий сабаби, футболчию-мураббийларимизнинг японларга нисбатан кўпроқ хатоларга йўл қўйганлиги билан боғлиқ. Биринчидан, командамиз сафида жароҳатланган Миржалол Қосимовнинг йўқлиги бизга жудаям қимматга тушди. Миржалол ҳар бир учрашувда ташкилотчилик вазифасини бажариб, ҳимоя чизиғи билан ҳужум нуқталарини чиройли тўп узатишлари ила узлуксиз боғлаб турарди. Афсуски, Давлетов, Захаров, Шоймардонов, Ҳасановларнинг бирортаси Миржалол Қосимовнинг ўрнини босолмади. Иккинчидан ҳужумчиларимиз ҳам нўноқлик қилди. Заруp пайтларда япон ҳимоясини «синдириб» ўтолмади.

Тўғри, бизнинг мураббийлар терма командамизга бир қатор ёш, маҳоратли ўйинчиларни таклиф этганди. Орадан бир, икки йил ўтиб экспериментал бу команда дунё миқёсида ўзига хос, ажойиб ўйинлар кўрсатиши мумкин. Аммо мамлакатимизни жаҳон чемпионатига олиб чиқиши лозим бўлган асосий ўйинларда ҳали халқаро учрашувларда кўпроқ қатнашиб суяги қотмаган футболчиларни майдонга тушириш яхши натижа бермаслиги бизга дунё чемпионатлари амалиётидан маълум-ку!...

Бир мисол: Бутун оламга «темир» ҳимояси ҳамда «тиғдек» ҳужумлари эвазига ном чиқарган Германия терма командаси Фёллер, Летбарски, Матеус, Клинсман, Руминниге, Хасслер, Фёрстер сингари «юлдуз»ларни Оврупо ва жаҳоннинг икки, уч чемпионатлари мобайнида ўз таркибида сақлаган. Ёшидан, маҳоратидан ташқари уларнинг дунёвий тажрибаларидан ҳам ўз вақтида фойдаланилган. Терма командага янги аъзоларни қабул қилиш жараёнида албатта «эски» футболчилардан беш, олтитасининг имкониятига таяниб иш кўрилган. Бизда эса, - худди шу масала юзасидан аксинча фаолият юргизилди. Абдусамат Дўрмонов, Азамат Абдураимов, Степан Атоян, Мурод Алиевларнинг тайёр тажрибасидан фойдаланиш ўрнига ҳозирча халқаро мусобақаларнинг «мазасини» татиб кўришга улгурмаган, ўртамиёна футболчиларни ажратиб олишди.

1997 йил 24 август куни ўтказилган (Осиё 5-гуруҳидаги кечиктирилган) Ўзбекистон - Яман учрашувини ҳисобга олмаганда янгидан тузилган терма командамиз бирорта ҳам ўртоқлик ўйини ўтказмади. Биз бундан таажжубландик. Рўйхатга янги аъзолар қўйилган ҳар қандай команда ўз қувватини қанчалик эканлигини билиш учун синовдан ўтиши лозим эди-ку. Япония терма командаси Ўзбекистон футболчилари билан учрашгунга қадар Бразилия «қироллари» билан баҳслашиб тажриба орттиришган эди.

Ўзбекистон-Яман ўйинидан сўнг ўтказилган матбуот конференциясида мураббий Юрий Саркисян «Биз йигитларимизни синаб бўлдик. Имкониятларимиз ёмон эмас, бошқа ўйин ўтказишга ҳожат йўқ» деганди. Лекин Саркисяннинг тахминлари тўғри чиқмади. Ҳимоячиларимизнинг пишиб етмаганлиги, ҳужумчиларимизнинг шошмасдан, фақат ақл билан ишлай олмаслиги бир учрашув натижасига кўра равшан бўлди.

* * *

Терма командамиз «Франция йўлланмаси» учун иккинчи ўйинни ҳам сафарда-Корея футболчиларига қарши ўтказишди. Бунисида ҳарқалай мураббийларимиз ўз хатоларини англаб етдилар. «Пахтакор»дан Мурод Алиев, «Дўстлик»дан Виталий Гильянов ва заҳирада ўтирган тажрибали ўйинчилардан икки, учтасини майдонга туширишди. Бу ўзгаришлар яхши натижа берди. Йигитларимиз корейслар билан тенгма-тенг кураш олиб борди. Фақатгина ҳимоя чизиғимизнинг «чарчаб» қолганлиги туфайли охирги дақиқаларда кореяликлар иккинчи голни уришга муяссар бўлдилар.

* * *

... Куни кеча ҳамюртларимизнинг сафарда Қозоғистон терма жамоаси билан бўлиб ўтган учрашувидан сўнг, очиғи, кўнгилларга ёруғлик кирди. Энди эса олдинда янада оғирроқ ва масъулиятлироқ ўйинлар кутилаётир. Ҳозирча бирон нарса деб башорат қилолмаймиз.

**Нормурод МУСОМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**Осиё саралаш гуруҳларидаги вазиятлар:**

**«А» гуруҳи**
**Хитой-Эрон-2:4**
**Саудия Арабистони - Кувайт - 2:1**
**Эрон-Саудия Арабистони - 1:1**
**Катар-Кувайт - 0:2**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Эрон | 2 | 1 | 1 | 0 | 5-3 | 4 |
| С.Арабистони | 2 | 1 | 1 | 0 | 3-2 | 4 |
| Кувайт | 2 | 1 | 0 | 1 | 3-2 | 3 |
| Хитой | 1 | 0 | 0 | 1 | 2-4 | 0 |
| Катар | 1 | 0 | 0 | 1 | 0-2 | 0 |

**«Б» гуруҳи**
**Япония-Ўзбекистон - 6:3**
**Жанубий Корея - Қозоғистон - 3:0**
**Жанубий Корея-Ўзбекистон - 2:1**
**Б. А. А.- Қозоғистон - 4:0**
**Қозоғистон-Ўзбекистон - 1:1**
**Б. А. А-Япония 0:0**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Жан. Корея | 2 | 2 | 0 | 0 | 5-1 | 6 |
| Б. А. А. | 2 | 1 | 1 | 0 | 4-0 | 4 |
| Япония | 2 | 1 | 1 | 0 | 6-3 | 4 |
| Ўзбекистон | 3 | 0 | 1 | 2 | 5-9 | 1 |
| Қозоғистон | 3 | 0 | 1 | 2 | 1-8 | 1 |

● ШОҲМОТ ОЛАМИДА

# ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЭНГ ЁШ ХАЛҚАРО ГРОССМЕЙСТЕР

Кишенёвда ФИДЕнинг 68-конгресси бўлди. Унда шоҳмот бўйича жаҳон чемпионатига тайёргарлик билан боғлиқ ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Чемпионат шу йил декабрь ойида Голландияда бошланиб, финал ўйинлар Лозанна шаҳрида, халқаро олимпия қўмитаси музейида ўтади. ФИДЕ Президенти Кирсан Илюмжиновнинг маълум қилишича, мусобақа совринлари жамғармаси 5 миллион долларни ташкил этади.

Конгрессда йирик халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришиб, зарур нормативларни бажарган шоҳмотчиларга халқаро гроссмейстер унвонлари берилди. Улар орасида ўзбекистонлик Рустам Қосимжонов ҳам бор. У жаҳондаги энг ёш халқаро гроссмейстердир.

Конгрессда ҳамюртимиз Ирина Қаюмовага ҳам халқаро ҳакам унвони берилди. У Марказий Осиёда бундай юксак унвонга эришган биринчи шоҳмотчидир.

**(ЎзА)**

● БИР КУНИ...

### ДАСТХАТ

Ўткир Ҳошимов машинасини ҳайдаб кетаётган эди. Чорраҳада давлат автомобиль назорати ходими қизил таёғини кўтариб, тўхтатди. Шошиб турган ёзувчи тезроқ қутилиш учун янги чиққан китобини олди. «Чест» берган мелиса йигит билан салом-алик қилгач, дарҳол китобга дастхат битиш учун сўради:

-- Укажон, исмингиз нимайди?

Мелиса таниқли ёзувчига, унинг қўлидаги таниш китобга ажабланиб қаради, сўнг иймаингина деди:

— Ўткир ака, кечирасиз, бу китобингизни ўтган ҳафтада ҳам ёзиб берган эдингиз.

-- Э, дарвоқе...

-- Китобингизни ўқиб чиқдим, менга маъқул бўлди.

-- Раҳмат.

-- Фақат битта илтимос...

-- Хўш-хўш?

-- Қоидани камроқ бузиб, яхши китобларни кўпроқ ёзаверинг!

-- Э, яшанг ука!

Ўткир ака мелиса билан самимий қўл олиб хайрлашди...

### ХОТИРА

Машҳур шоҳмотчи ва олим Мамажон Муҳитдинов ёшлик йиллари бир гуруҳ дўстлари билан поездда Москвага кетаётган экан. Олис йўлда дўстлар зерикмаслик учун шахмат ўйнаб боришарди. Ногоҳ нимадандир гап қочиб, рақиблар жанжаллашиб қолишади. Даҳанаки тортишув ёқалашишга айланади. Тўпалон устига келиб қолган Мамажон ака ҳовлиқмаларни тинчлантираркан, дейди:

-- Яхшиси, сенлар мен билан шоҳмот ўйнанглар. Ҳамманг бир томон бўласан, мен-ёлғиз ўзим сенлар билан тахтага қарамай ўйнайман. Ғирромлик қилиш йўқ. Келишдикми?

-- Келишдик!

Хуллас, «жанг» қизиб кетади. Мамажон ака гарчи қўшни купедан туриб чопар орқали юришларни айтиб турган бўлсада, ҳар эҳтимолга қарши кўзларини боғлаб қўйишади.

Бир маҳал тахтада Мамажон ака фили билан кишт бериб рақибларини мот қиладиган вазият юзага келади. Узоқ ўйга чўмган рақиблар қутулиш чорасини тополмай, ғирромлик йўлига ўтишади: кишт берадиган сипоҳни уриб олиш учун ўзларининг аллақачон қурбон бўлган филини секин қайта тахтага териб қўйишади.

Ниҳоят, Мамажон аканинг қувончли хитоби янграйди:

-- Кишт! Мот!

-- Мот эмас! Мана, филингни уриб олдик! -- рақиблар сир бой беришмайди.

-- Ҳей ғирромлар! Сенлар кимни лақиллатмоқчи бўляпсан?! Бу филингни аллақачон, йигирма еттинчи юришдаёқ уриб олганман-ку!

Ноилож қолган рақиблар Мамажон аканинг хотирасига қойил қолиб, мағлубиятларини тан олишади.

## ЙЎҒ-Е? НАҲОТКИ!

### ЖАҲОН ТИНЧ БЎЛСА...

Шоир Яҳё Тоға дуои фотиҳа қилганда ҳамиша «жаҳон тинч бўлсин» деган иборани тилга оларди. Дўстлари бир куни бунинг боисини сўрашибди.

-- Ҳа, энди... жаҳон тинч бўлса - биз тинч-да! -- дейди шоир мийиғида кулимсираб.

«Нимкоса»ни пайқаган ўртоқлари бу ерда бошқа сир бўлса керак, дея яна шоирни қистовга олишади.

-- Уфф... қўймадинглар-қўймадинглар-да! Майли, айтсам айтақолай -- хотинимнинг исми Жаҳон! Бўлдими -- қутулдимми?!

**Шодмон ОТАБЕК.**


## ЭЪЛОН!

**Республикада олий малакали илмий ва илмий-педагог ходимлар тайёрлаш билан шуғулланувчи Фанлар академияси, барча вазирликлар, идоралар, илмий муассасалар, олий ўқув юртлари ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда аспирантлар диққатига!**

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат комитети Ўзбекистон Республикаси Президентининг аспирантлар учун 1998 йилги Давлат стипендияларига даъвогарлар ўртасида ўтказиладиган танловда иштирок этиш учун 2-ўқув йилини муваффақиятли тугатган 3-ўқув йили аспирантларининг ҳужжатлари 1997 йилнинг 1-октябридан 20-октябригача қабул қилинишини маълум қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги 157-сон қароридаги «Аспирантлар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан ўтказилади.

Фанлар академияси, вазирликлар ва идоралар ўз тасарруфидаги илмий муассасалар, олий ўқув юртлари ва ташкилотларнинг Илмий кенгашлари Қарорлари асосида тайёрланган Коллегия тавсияномаларини аспирантларнинг ҳужжатлари билан биргаликда (2-нусхада) ЎзР ФТДҚга 1997 йил 1-октябрдан 20-октябргача юборишлари керак.

*Манзилимиз: 700017, Тошкент шаҳри, Х. Сулаймонова номидаги кўча, 29-уй. Телефонлар: 139-16-50; 139-11-93.*



ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

*БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 133-57-34;*
*Халқаро ҳаёт 132-11-15;*
*Хатлар 136-55-39;*
*Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-37-85;*
*Иқтисодиёт 136-36-65, 136-07-94;*
*Маънавият 136-35-60;*
*Тунги муҳарририят 133-10-28;*
*Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0594, 34.114 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Ш. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 22.30 1 2 3 4 5 6